

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил  
 1 июлдан  
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 130 (10.939)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шахарчаси худудда жойлашган маҳаллар жамоалари ўртасида «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шахарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан «Ёни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида шахмат, шашка, футбол, волейбол бўйича ўтказилган спорт мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Сергели туманидаги «Файзли оила» марказида кам таъминланган оилаларнинг 25 нафар қизлари учун «Камолот» ЁИХ Сергели туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан бичиш, тиқиш, пазандалик сирларини ўргатувчи ўқув курслари ўз фаолиятини бошлади.

● **ЎТГАН** кунга Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбирда санъаткорнинг мухлислари, яқинлари, шoirлар, бастакорлар, хонандалар иштирок этишди.

● **ҲАМЗА** туманидаги Муқимий номидаги маҳаллада фаоллар иштирокида уюштирилган йилгилишда ободлаштириш ишларини жонлантириш, газ, сув ва электр таъминоти бўйича коммунал тўловларда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди.


● **ШАҲРИМИЗДА** геологлар иштирокида икки кун давом этган анжуманда жамият тараққиётида табиий қазилма бойликларининг аҳамияти ҳамда замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш борасида ўзаро фикр алмашилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

Ички бозорни импорт ўрнини босувчи харидорги кийим-кечаклар билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Антария текстиль» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорларининг фаолияти бошланганига ҳали бир йил тўлмасида, излашлар самараси бўлган «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқи трикотаж маҳсулотлари кўриниши ва сифати билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Энг муҳими эса маҳсулотларнинг барчаси 100 фоиз пахта матолардан ишлаб чиқарилади.

—Қисқа давр мобайнида маркетинг ишларини яхши йўлга қўйиб бозорни ўргандик ва бугунги кунга келиб тайёрлаган эркаклар ва аёллар устки кийим-кечаклари тури 30 хилдан ортиб кетди,—деди корхона директори Алишер Мирзахўжаев.—Энг асосий маҳсулотларимизнинг иқлим шароитимизга мослигига, замонавийлигига, нархига эътибор қаратамиз. Модельер-бичкичларимиз маҳорати ҳар бир яратилган либосда намоён бўлади.

Албатта, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот тайёрлашда фақат маҳаланинг ёки бозорни ўрганишни ўзи кифоя эмас. Замонавий техника



### Ўзбекистонда тайёрланган

## БАЙРАМГА ТУҲФА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

**МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, СИФАТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ТОВАРЛАРНИНГ ИЧКИ БОЗОРДА ЎРНИНИ ТОПИШИДА, ХАРИДОР ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА. ШУНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, БУНДАЙ МАҲСУЛОТЛАР ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛАЁТГАН ХУДДИ ШУНДАЙ ТОВАРЛАР БИЛАН БЕМАЛОЛ РАҚОБАТЛАШМОҚДА.**

ва технологиялар, юксак унумли дастгоҳларнинг бу борадаги ҳиссаси катта. Ана шунга амал қилган тадбиркорлар цехларга ўрнатилган хорижий тикув, бичиш ва тўқув дастгоҳ ва ускуналари қувватидан унумли фойдаланишмоқда.

—Замонавий дастгоҳлар билан тиллаша олсангиз, уларнинг қувватидан оқилона фойдалансангиз, тайёрлаган маҳсулотингиз ҳам сифатли бўлади,—деди уста чевар Нозима Исломова.— Корхонамизда ўз касбининг усталари саналган тикувчилар меҳнат қилишмоқда ва кийим-кечаклар сифати катий назорат қилингани боис ҳам бюртмаларимиз кўпайиб бормоқда. Албатта, ҳар биримиз меҳнат қилаётган корхонамиз истиқболни таъминлашда, нуфузини оширишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати, рақобатбардошлиги, талабга жавоб бериши муҳим аҳамият касб этишини диддан ҳис этамиз. Шу боис ҳам ҳам-жихатликда, ижодий изланишда ишлаймиз.


Айни кунларда корхона цехларида бугунги талабдан келиб чиққан ҳолда эркаклар учун ёзги футболкаларнинг бир неча турлари ишлаб чиқарилмоқда. Мустақиллигимизнинг 16 йилли-

гини ўзига хос ютуқлар билан кутиб олишга сазой-ҳаракат қилаётган тадбиркор жамоа тез кунларда янги моделдаги трикотаж маҳсулотларини ҳам харидорларга тортиқ этишди.

Изланиш бор жойда янгилик ҳам, муваффақият ҳам бўлаверади. Йил охиригача жамоа ахли ўз фирма дўконларини очишга ҳаракат қилмоқдаки, бу харидорларга яна бир қулайлик бўлади. Энг эзгу ниятлардан бири эса келгусида хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаб кичик корхонани катта фабрикага айлантиришдир. Бу борада улар муқтакил қилингани боис ҳам бюртмаларимиз кўпайиб бормоқда. Албатта, ҳар биримиз меҳнат қилаётган корхонамиз истиқболни таъминлашда, нуфузини оширишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати, рақобатбардошлиги, талабга жавоб бериши муҳим аҳамият касб этишини диддан ҳис этамиз. Шу боис ҳам ҳам-жихатликда, ижодий изланишда ишлаймиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: сазовчи уста Талиб Махмудов техника сирларини мукамал ўзлаштирган; чеварлар Нозима Содикова, Махмудова Бекалиева, Нозима Исломовалар ўзлари тиккан маҳсулот сифатидан мамнун.**

Ҳакимжон Солихов олган суратлар



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 17 апрелда қабул қилинган  
 Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланган

- 1-модда. «Содиқ хизматлари учун» медали таъсис этилсин.
- 2-модда. «Содиқ хизматлари учун» медали тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
- 3-модда. «Содиқ хизматлари учун» медалининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
- 4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги 176 — 1-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5-6, 63-модда. № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7-8, 202-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) 12-моддаси «Жасорат» медали» деган сўзлардан кейин «Содиқ хизматлари учун» медали» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
- 5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирад.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
 2007 йил 6 июль  
 № ЎРҚ — 98

2007 йил 6 июлдаги 98-сонли  
 Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан  
 ТАСДИҚЛАНГАН

## «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Содиқ хизматлари учун» медали билан юксак касбий маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчиغا садоқатини намойён этган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатнинг муқофла қилиниши ҳамда миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларининг жанговар шайлигини ошириш ва Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишидаги катта хизматлари учун мукофотланадилар.

«Содиқ хизматлари учун» медали билан айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Содиқ хизматлари учун» медали билан Ўзбекистон Республикаси Президенти мукофотлайди. Мукофотлаш тўғрисидаги фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

3. «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. «Содиқ хизматлари учун» медалини ҳамда мукофотлаш ҳақидаги тегишли ҳужжатни тантанали ва кенг ошкоралик вазирида топшириш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, бошқа бунга вазонли шахслар томонидан амалга оширилади.

5. «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорда бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

«Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган имтиёزلардан фойдаланадилар.

6. «Содиқ хизматлари учун» медали кўкракнинг чап томонига тақилади.

7. «Содиқ хизматлари учун» медали билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда, медали, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

2007 йил 6 июлдаги 98-сонли  
 Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан  
 ТАСДИҚЛАНГАН

## «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИНИНГ ТАВСИФИ

«Содиқ хизматлари учун» медали 0,25 микрон қалинликда олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрни доира кўринишидадир.

Медалнинг олд томонида доирада ёқут рангли эмаль билан қопланган саккиз қиррали юлдуз фонига ҳарбий хизматчининг тасвири (Ватан қарамони — Ҳимоячисининг тимсоли) жойлашган. Медалнинг юқори қисмида айлана бўйлаб акс эттирилган лентага «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» сўзлари ёзилган. Медалнинг пастки қисмида саккиз қиррали юлдуз ва айлана бўйлаб яшил рангли эмаль билан қопланган дафна барглари тасвирланган.

Медалнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган, пастки қисмида медалнинг рақами ёзилган.

Медали эни 24 миллиметрни зангори шойи лента сирилган беш қиррали қадаянча халқа ва ilmoқча ёрдамида уланади, лентанинг ўртасида эни 7 миллиметрни оқ йўл бўлиб, у эни 1 миллиметрни қизил йўллар билан ҳошияланган.

Тасвирлар ва ёзув — буртма.  
 Медалнинг четлари қабарик доира билан ўралган.

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарё вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлашга бағишланган амалий семинар ўтказилди. Унда вилоят ҳокимлиги томонидан ёш оилаларнинг эҳтиёжлари, долзарб муаммоларини ўрганиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи тўплаган маълумотлар таҳлил қилинди.

● Тошкентда Ўзбекистон нефть ва газ соҳасини солиққа тортишни янада такомиллаштиришга бағишланган бизнес-форум ўтказилди.

● Ангрндаги картон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи «Саноатқилинқоғозсавдо» корхонасида маҳсулот ҳажмини ошириш ҳисобига касаначилар учун 75 та янги иш ўрни ташкил этилди. Эндиликда улар картон ва ёғочдан турли қутилар, корхона маҳсулотлари учун ёрликлар ишлаб чиқаришни ҳамда иш кийими ва қўлоқларни тиқишни бошладилар.

● Москвада «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасига бир варакайга иккита мукофот — Етакчилик учун халқаро юлдуз ҳамда «Сифат учун Бутунжаҳон бриллианти» халқаро мукофоти топширилди.

● Навоий вилоятининг Конимех тумани аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «Сарибел» қоракўлчилик ширкат хўжалигининг «Янги-қозғон», «Конимех» қоракўлчилик ширкат хўжалигининг «Сархал», «Териқудуқ» овуллари тўлиқ газлаштирилди.

● Навоий вилоятидаги 74 та кўрғонда ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Бу борада вилоят ҳокимлиги махсус дастур ишлаб чиқиб, ичимлик суви таъминоти учун 993,2 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами ажратди.

● Тошкентдаги Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг тасвирий санъат галереясида «Тетрагон—борликнинг тўрт ўлчови», «Пилланинг ўғирланиши» санъат кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.

● Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан коллеж ва академик лицей ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Ишбилармон ўқувчи» кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи якунланди.

### ЖАҲОНДА

● Латвиянинг янги Президенти Вальдис Затлерс кеча парламент депутатлари олдида қасамёд қилиб, ўз вазифасини бажаришга расмий равишда киришди.

● Россия, Хитой, АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва Шимолий Корея делегациялари иштирокида ҚХДРнинг ядро дастурини тўхтатиш юзасидан бир неча йилдан буён давом этиб келаётган олти томонлама музокара-ларнинг навбатдаги босқичи агарда Шимолий Корея ўзининг ядро реакторини тўхтатганлиги тўғрисида расмий баёнот берса, 14 июль кунин Пекинда бошланиши мумкин.

● Россия Федерацияси давлат думаси янги маъмурий-жўроғий ҳудуд — Забайкал ўлкасини ташкил этиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда қабул қилди. Чита вилояти ва Агинск Бурятск мухтор округи бирлаштирилиб, улар негизда ушбу ўлка ташкил этилди.

● Австралия полицияси беш нафар хорижлик шифокорни Лондон ва Глазгода амалга оширилган режалаштирилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан сўроқ қилди. Ҳозирда юқоридаги терактни амалга оширишда гуно қилинган саккиз нафар шахс ҳибсда сақланмоқда.

● Ироқнинг шимолида жойлашган Эмерли шаҳридаги бозор атрофида амалга оширилган йирик террорчилик ҳаракати оқибатида 150 киши ҳаётдан кўз юмди, 200 га яқин киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Покистоннинг ҳарбийлари ва махсус отрядлари Исломободдаги ислом радикаллари ўрнашиб олган Лаъл масжидини штурм йўли билан эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Сўнги хабарларга кўра бу ерда экстремистлар томонидан гаровга олинган қўллаб аёллар ва болалар бор.

● Исроил ҳукумати бир йилдан буён гаровда ушлаб турилган Исроил армиясининг қапрали Гилад Шалитнинг соғ-омон ҳолда озодликка чиқарилиши ҳисобига қамоқхоналарда сақланаётган ХАМАС гуруҳининг 250 нафар аъзоларини озодликка чиқаришни маълум қилди.

● Кейинги кунларда Жанубий Осиё давлатларида ёғайтган тинимсиз ёмғирлар қўллаб табиий офатларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, сув тошқинлари Япониянинг Кумамото худудига катта зарар етказган бўлса, Хитойнинг Сичуан музофотидан 100 минг киши хавфсиз жойларга эвакуация қилинди. Умуман, сўнги ҳафта ичида Жанубий Осиё мамлакатларида юз берган табиий офатлар 700 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

● Нью-Йорк шаҳрида бортда саккиз нафар саяҳатчи билан ҳаракатланаётган вертолёт ногаҳон Гудзон дарёсига қулаб тушган бўлса-да, бироқ, бирор киши жабрангани йўқ. Ҳозирда ушбу ҳодисанинг сабаблари аниқланмоқда.

● Қобул шаҳрининг шимолий қисмидаги ҳарбий базадан ёр тагида жойлашган қамоқхона топилди. Қобул полицияси генерали Али Шоҳ Фактивалнинг айтишича, бу қамоқхона собиқ Иттифокқа тегишли бўлган.

## МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН МАЛАЙЗИЯ ФАН, ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ БОШ КОТИБИ АБДУЛ ХАНААН БИН АЛАНГ ЕНДУТ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ 6 ИЮЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ СОЛИХОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

### ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДАГИ УЧРАШУВ

Академиклар, қатор илмий-текшириш институтлари мутахассислари иштирок этган мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, фан-таълим соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Малайзия давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш,

биргаликда икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Малайзия илмий доиралари вакиллари иштирок этган илмий анжуманда икки мамлакат олим ва мутахассисларининг илм-фаннинг турли йўналишлари, жумладан, ахборот технологиялари, физика, кимё, нанотехнологиялар, электроника ва генетика каби соҳалардаги сўнги янгиликлар ҳамда тенденцияларга оид маърузалари тингланди.

(Давоми 2-бетда).

# АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

**ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ИТБ) ПРЕЗИДЕНТИ АҲМАД МУҲАММАД АЛИ БОШЧИЛИГИДАГИ АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА КЕНГ ЁРИТИЛМОҚДА ВА ШАРҲЛАНМОҚДА.**

Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи иш-тироқида Тошкентда бўлиб ўтган учра-шув ва музокаралар ҳақида хабар бер-рар экан, Кувейтнинг «КУНА» ахборот агентлиги етакчи ислом жамғармалари-нинг экспертлари Ўзбекистон Респуб-ликасининг иқтисодий, ижтимоий-сиё-сий ва бошқа соҳаларда эришган му-ваффақиятларини юқори баҳолашгани-ни таъкидлайди. Уларнинг баҳо бериш-ларида, республикадаги мавжуд қулай сармоявий муҳит, шунингдек, чет эл ка-питалини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган қўлиш ҳужжатлар Ўзбеки-стон ва араб молия институтлари ўрта-сида ҳамкорликни кенгайтиришга мус-таҳкам асос яратди.

Шунингдек, «КУНА» тарқатган хабар-да Араб Мувофиқлаштириш гуруҳининг «давра суҳбати» иштирокчилари Ўзбеки-стон билан кооперацияни кенгайти-ришдан манфаатдорлик билдиришлари баробарда республикада истиқбол-ли лойиҳаларни рўйбга чиқариш юза-сидан молиявий кўмаклашишга тайёр эканини баён этишгани таъкидланди.

Британиядаги «Би-Би-Си» монито-ринг-нинг хабар беришича, бўлиб ўтган учрашув чоғида Араб Мувофиқлашти-

риш гуруҳининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида ўтказилаётган ислохотлар боришини тўла қўллаб-қув-ватлашни баён этдилар.

Бизнес анжуман чоғида кўшма ҳам-корликнинг бундан кейинги йўналиш-лари ҳамда ижроси Ўзбекистондаги ис-лохотларнинг юқори суръатларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш-га имкон берадиган устувор лойиҳалар белгилаб олинди, — дейди «Би-Би-Си» мониторинг.

Араб Мувофиқлаштириш гуруҳининг аъзолари олдинда турган йилларда Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистоннинг гуллаб-ашна-шига кўмаклашибгина қолмасдан, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор ва изчил ривожланишида му-ҳим аҳамият касб этишига қўшимча билдиришди, — деб таъкидлайди «Би-Би-Си» мониторинг.

Яна бир араб наشري — Саудия Ара-бистони подшоҳлигининг ишбилармон доиралари газетаси «Аль-Иқтисодия» мазкур ташриф давомида Араб Муво-фиқлаштириш гуруҳи аъзолари Ўзбе-кистон Республикасининг иқтисодиёт

жабҳасидаги муваффақиятлари, шунинг-дек, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ўзгаришларнинг бориши билан таниш-ганларини ўз ўқувчилари эътиборига ҳавола қилган.

«Аль-Иқтисодия»нинг таъкидлашича, Тошкентда бўлиб ўтган учрашувлар яқунлари бўйича Ўзбекистон ҳукумати билан ислом молия институтлари ўрта-сида ҳамкорлик тўғрисида Меморан-дум, шунингдек, Ўзбекистон банклари билан 3 та битим имзоланди. Унга му-вофиқ, Ислам Тараққиёт банки санаёт, қишлоқ хўжалигидаги хусусий тадбир-корлик соҳаларида сармоявий лойиҳа-ларини молиялаштириш учун умумий ҳажми 15 миллион АҚШ доллари миқ-доридоги кредит линиясини очгани қаламга олинган.

Ўз навбатида, Россиянинг «Интер-факс» агентлиги Ўзбекистон 2010 йл-га қадар 26 та сармоявий лойиҳани рўйбга чиқариш учун араб молия ин-ститутларининг умумий ҳажми 1,6 мил-лиард АҚШ доллари ошадиган сар-мояларини жалб этишни режалашти-раётгани, Араб Мувофиқлаштириш гу-руҳининг «давра суҳбати» йиғилишида ушбу лойиҳалар тақдими бўлиб ўтга-

нини хабар беради.

Шу жумладан, кимё саноатини мо-дернизациялаш лойиҳаларини амалга ошириш учун 384,1 миллион АҚШ дол-лари, қишлоқ хўжалигида ирригация тизимларини реконструкциялаш ва ху-сусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 385,5 миллион, электр энергетика-си объектлари реконструкцияси учун 188 миллион, металлургия корхонала-рини қайта жиҳозлашга 190,4 милли-он, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни модернизациялаш ва техникавий қайта жиҳозлаш-га 150 миллион, коллежлар ва акаде-мик лицейлар қурилиши ва реконструк-цияси учун 131 миллион АҚШ доллари миқдоридан ва бошқа соҳаларга сарма-юлар жалб этиш режалаштирилмоқда.

«Интерфакс» агентлиги Тошкентдаги «давра суҳбати» йиғилиши Ўзбекистон ҳукумати тақдим этган лойиҳаларни мо-лиялаштириш учун молия институтла-рининг имкониятлари ва ҳаракатлари-ни мувофиқлаштириш мақсадида Ислам Тараққиёт банкининг ташаббуси билан ўтказилганини алоҳида қайд эта-ди.

«Жаҳон» АА

## ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЮРТИМИЗДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИНГ БОШҚА СОҲАЛАРИ ҚАТОРИ ҚЎШИҚЧИЛИК САҢЪАТИМИЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШИ БЎЛМИШ ЭСТРАДА САҢЪАТИ РИВОЖИГА ҲАМ КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА.

### Эстрада санъати: МУҲИМ ВА ДОЛЗАРЬ ВАЗИФАЛАР

Кейинги йилларда бевосита шу соҳа ривожига қаратилган Вазирад Маъмурнинг иккита махсус қарори қабул қилинган, ёш ижрочиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдод ва салоҳиятини рўйбга чиқариш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан «Нихол» мукофоти ташкил этилган, бу йўналишда қўллаб-қўрғаш, санъат фести-валлари мунтазам ўтказиб келинаётгани шулар жумласи-дандир.

Шу йил 13 июнь кунини давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган шу соҳага оид янги қарорда мамлакатимизда замонавий миллий эстрада санъатини янада ривожланти-риш, бу борада изланиш олиб бораётган истеъдод эгалла-рининг профессионал малакаси, ижро маданиятини оши-риш, ёш санъаткорларнинг ўз қобилият ва маҳоратларини тўла намойиш этишни қўлай шарт-шароит ва зарур имко-ниятлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, мазмунан теран, ба-дийий юксак асарларни кенг тарғиб қилиш, миллий қадрият-ларимизга тўғри келмайдиган, ёшларнинг маънавий савия-сига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бўш ва заиф қўшиқлар тарқалишининг олдини олиш масалаларига ало-ҳида эътибор қаратилгани, айниқса диққатга сазовордир.

Қарорга биноан, Миллий эстрада санъатини ривожлан-тириш ва мувофиқлаштириш кенгашининг янги таркиби тас-диқланиб, Вазирад Маъмурнинг айрим қарорларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани бу соҳадаги иш-ларни қайта қўриб чиқиб, янги вазифаларни белгилаб олиш-ни талаб этади.

Мазкур кенгашнинг шу йил 3 июлда бўлиб ўтган бирин-чи йиғилишида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қара-тилди. Унда кенгаш аъзолари — турли вазирилик, ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари, таниқли санъаткорлар, санъ-атшунос олим ва мутахассислар, шоир ва журналистлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мажлисда дунё микёсида говий курашлар, маънавиятга қарши таҳдидлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги му-раккаб бир шароитда эстрада санъати халқимизга хос эзу тушуна ва туйғуларни тараннум этиши, бадийий юксаклиги, мавзу ранг-баранглиги билан эл-юртимиз, аввало, ёшлар қалбига чуқур йўл топиши лозимлиги таъкидланди.

Маълумки, мустақиллик йилларида эстрада қўшиқчилиги миллий санъатимизнинг энг оммавий йўналишларидан би-рига айланди. Бу соҳада халқимиз томонидан эътироф этил-ган янги-янги номлар, истеъдод эгалари пайдо бўлди. Улар она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат, тинчлик ва дўстлик, сеvgи ва вафо ҳақидаги қўшиқлари билан марказда ва жой-ларда ўтказилаётган тантана ва томошаларда фаол ишти-рок этиб, эл-юртимизга сийқидиланган хизмат қилиб келмоқ-да. Бу санъаткорларнинг муносиб вакиллари Ватанимиз-нинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда эстрада жанрида ижод қилаётган санъаткорларни ўз сафида бирлаштирган «Ўзбек-наво» эстрада бирлашмаси фаолият олиб бормоқда. Албат-та, буларнинг барчаси ўтган давр чоғида бу соҳада катта иш-лар қилингандан далолат беради. Шу билан бирга, йиғи-лишда ҳозирги пайтда эстрада санъатида бир қатор камчи-ликлар, ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги, айниқ-са, кейинги йилларда айрим ижрочилар орасида профес-сионал маҳоратининг етишмаслиги кўзга ташланаётгани таъ-кидланди. Шунинг оқибатида мазмунан саёз, бадийий жиҳат-дан бўш, миллийликдан йироқ қўшиқлар ҳам пайдо бўлиб, томошабинлар, санъат мухлисларида ҳақли эътироз ва та-швиш уйғотаётгани қайд этилди.

Сўзга қайтганлар қарорда ана шу масалага ўз вақтида эътибор қаратилгани ҳақида тўхталиб, бундай ҳолатларга йўл қўймаслик, эстрада санъатида йиллар давомида шакл-ланган анъаналарни асраб-авайлаш, уларни замон талаб-лари асосида ривожлантириш, миллий қадриятларимизга мос мусиқий асарлар яратиш зарурлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳа-заларини билдирди. Мажлис иштирокчилари томонидан до-имо халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида хизмат қилиб келган қўшиқчилик санъати ҳеч қачон бойлик орттириш ёки эрмак воситасига айланиб қолмаслиги лозимлиги таъкид-ланди.

Йиғилишда Ўзбекистон халқ артистлари Фуломжон Ёқубов, Насиба Абдуллаева, Ўзбекистон Давлат консерваторияси рек-тори Дилором Муродова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Махмуд Номозов, Ўзбекистон Миллий телерадио-компанияси раиси Алишер Ҳужаев, «Ўзбекнаво» эстрада бир-лашмаси бош директори Баҳодир Абдурахимов ва бошқа-лар қарорнинг аҳамияти, бу борада амалга оширилиши ло-зим бўлган ишлар, долзарб вазифалар юзасидан зарур тақ-лиф ва мулоҳазаларни билдирди.

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқ-лаштириш кенгаши ўз ваколати доирасида бир қатор қарор-лар қабул қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Ў.З.А.

## ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДАГИ УЧРАШУВ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ташриф доирасида мамлакатингиз-да илм-фан ва таълимни ривожлантириш-га давлат томонидан катта эътибор қара-тилаётгани ва бу борада ҳавас қилса ар-зиғулик самараларга эришилаётганига гувоҳ бўлдик, — дейди Малайзия делега-цияси раҳбари. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик бошқа жабҳалар қатори мазкур соҳаларда ҳам кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Қадимий Хивга сафаримиз давоми-да Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан ушбу шаҳар-да ташкил этилган илм-фан тарихи му-зейи кўргазмалари билан яқиндан таниш-дик. Музей бизда катта таассурот қол-дирди. Хоразм Маъмур академияси ҳузу-рида ҳамкорликда янги марказ очилди, унда қўллаб-қувватлаш, жумладан, Ма-лайзиядан ҳам келган олим ва мутахас-сисларнинг ўзаро тажриба алмашишини ташкил этиш ҳақида келишим олдик. Айни пайтда 2008 йилда мазкур академиянинг илмий меросини ўрганиш бўйича Малай-зияда кўча кўрғазма ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бизни жуда қувонтир-ганини ҳам алоҳида қайд этмоқчиман. Бу Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси би-лан миллий-маънавий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга ет-казиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли хайрли ишларга берилган муносиб баҳодир.

Шу кун Малайзия делегацияси аъзо-лари Темурийлар тарихи давлат музейи-га ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида хикоя қилувчи ранг-баранг экспонатлар-ни кўздан кечирди.

Ноира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири

## 2007—Ижтимоий ҳимоя йили БОҒДА БАЙРАМ САЙЛИ

**МЕҲНАТКАШЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИ ЎРТАСИДА СПОРТИНГ ОММАВИЙЛИгини ОШИРИШ, ЁШЛАРНИ МАДАНИЯТ, САҢЪАТ ОРҚАЛИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ХУРМАТ РҲУХИДА ТАРБИЯЛАШГА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ.**

Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Богди Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб ағросаноат маж-муи ҳодимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари иштирокида анъанавий мада-ний-спорт байрами бўлиб ўтди. Уюшқоқлик билан ташкил этилган ҳамда халқ сайлига айланган ушбу мароқли та-дбир болажонларнинг кенг иштирок эти-шига аҳамият берилганлиги билан янада фарғат-тароватли ўтди.

Тармоқ ходимлари касаб ва уюшмаси шахар Кенгаши ва «Агросаноатчи» мада-ний, соғломлаштириш спорт клубининг ўзаро ҳамжиҳатлик билан ҳамкорликда-ги маданий-спорт тадбири тармоқ ме-хнаткашларининг сўлим, файзли боғда ми-риқиб дам олишлари, спорт ва санъат соҳасидаги маҳоратларини намойиш этишларига хизмат қилди.

12 ёшгача бўлган болалар шашка ва қувноқ спортлар бўйича беллашиб, ота-налари меҳнат қилаётган жамоаларнинг спорт шарафини ҳимоя қилдилар. Ишчи-хизматчилар эса спортнинг дарст, тош кўтариш, арқон тортиш турлари бўйича астойдил кўч синишдики. Қизгин, ҳис-ҳаяжонга бой бўлган ушбу тадбир қат-нашчилар олқишига сазовор бўлди.

Шашка бўйича 12 ёшгача бўлган бо-лалар ўртасида ўйил болалардан «Пахта-тозалаш» ИИЧБ очик акциядорлик жа-мияти вакили Бахтиёр Ерматов голиб чи-қиб, «Ўзагрошсервис» уюшмасидан Ботир Анарбеков — иккинчи, тармоқ ка-саба уюшмаси шахар Кенгаши вакили Улугбек Захидов — учинчи ўринни эгал-ладилар. Шу ёшдаги қиз болалар ўрта-



## АБИТУРИЕНТЛАР ҲАЯЖОНИ ЧЕКСИЗ

**АЙНИ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ОЛТИМИШДАН ОРТИҚ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЎҚИШ ИСТАГИДА БЎЛГАН АБИТУРИЕНТЛАР ҲУҶЖАТЛАРИНИ ТОПШИРИШМОҚДА.**

Бу йил талабаларга қабул қилинадиган эллик бир минг олти ўз тўрт нафар абитуриентнинг ўн тўққиз миң тўққиз ўз қирқ беш нафари давлат грантлари, ўттиз бир минг олти ўз эллик тўққиз нафари эса тўлов кон-тракт асосида тахсил олади. Шунингдек, магистратура бўлимига олти миң беш юз етмиш нафар, махсус сиртки бўлимига эса беш миң олти юз олти миңга олти ўрин ажратилган. Маълумотларга кўра бугунги кунга қадар республикамиздаги барча олий ўқув юртларида абитуриентлардан тушган аризалар сони ўттиз миңдан ошган. Ўтган йилнинг шу кунига солиштир-ганда абитуриентларнинг ҳужжат топшириши ўттиз фоизга кўпайганини кузатиш мумкин. Бу кўрсаткич ёшларни нафақат илмга чанқоқлиги балки юртимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақи-ятли самараси ҳамдир. Айни пайтда Давлат тест марказида тест синовла-рини ўтказиш жараёнига қизгин тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқ-да. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўта-диган имтиҳонларга давлат тест марказини вакиллари сифатида жалб қили-надиган ходимлар учун ўқиб семинарни ташкил этилди. Тест синовларини ўтказиш жараёнида маъсۇл ҳисобланган аудитория раҳбари ва кузатувчи-ларини ўқув семинарлари ҳам амалга оширилмоқда.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетига бу йил йигирма тўрт йўналиш бўйича кундузги ҳамда етти йўналиш бўйича мах-сус сиртки бўлимига жами икки миң олти юз қирқ беш нафар абитуриент талабаларга қабул қилиниши режалаштирилган. Шу кунгача университет қабул комиссияси абитуриентлардан икки миңга яқин ҳужжат қабул қилди. Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан университетнинг бу йилги қабулида дифектология йўналишига қабул режаси икки баробар кўпайтирилди.

Жорий йил республикамиз бўйича абитуриентлардан тушадиган умумий аризалар сони уч юз қирқ миңгача ташкил этиши кутулмоқда. Бундан ҳам билса бўладикки танлов ҳақида катта демек, кимнинг билими энг чуқли бўлса ўша талаба деган бахтга мушарраф бўлади.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

## СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

●Хозир дунёнинг етти мамлакатидида оммавий ахборот воситалари музейлари фаолият қўсат-моқда. Бундай музейлардан яна бири Жабиж Корейда ташкил топди. Бу ерда 10 миңдан ортиқ экспонат намойиш қилинмоқда. Музейнинг «Га-рета тарихи», «Муҳим текширувлар», «Медь та-рихи» деган заллари эса нодир экспонатларга бой. Улар жаҳон матбуотининг тарихи ва бунга доир маълумотлар ҳақида хикоя қилади. «Ме-диа» зали музейга келувчиларда катта қизқиш уйғотади. Бу ерда учта катта экран ўрнатилган бўлиб, улар орқали ҳаттоки, бугунги навроно-гина эмас, балки 2050 йилда чиқарилиши ўзда тилган газеталарнинг андозалари лойиҳалар ҳам тасвирлаб берилади.

●Австралиянинг «Вумера» ҳарбий полигонида япон ва француз олимлари товушдан тез увчи йўловчи самолётини синовдан ўтказди. Янг са-молёт машҳур «Конкорд» самолётларидан ҳа тез учди ва Токио —Нью-Йорк ўртасидаги масфани 6 соатда босиб ўтди. Француз авиаторларияпон технологиялари асосида таннархи анчагини ар-зон, йўловчилар учун қулай, шовкинсиз саолёт яратишга ҳаракат қилишмоқда.

●БМТнинг «Халқаро ёшлар муаммоси» ахборот-номасида ҳозирги дунё ёшлари инсоният ари-ҳидаги энг билимли авлод деб тан олингани ай-тилади. Ушбу ташкилот экспертларининг уло-сасига кўра, кейинги ўн йилликда мактабгақат-новчи балалар сони 56 фоиздан 78 фоизга о-шган. Олий ўқув юртлари талабалари 69 мил-лиондан 88 миллионга кўпайган. Бу ўзгаришларнинг аксарият қисми ривожланган мамлакатларга йғри келади.

●Американин «Юнайтед» технолоджи» фма-си муҳандислари одамлар баданидаги ҳароқти сезиб, чироқни ёқиб ўчирадиган мослама та-дбир. Электрон детектор хонага одам киши билан дарҳол чироқни ёқади. Хонадан ҳаммке-тиб, орадан 15 сония ўтган, чироқ автомат р-зда ўчади. Нью-Йоркдаги фирмалардан биға ўрнатилган бу қурилма Электр энергияси сфи-ни 50 фоизга қисқартирган. Лекин уни ўрниш қимматга тушади. Орадан уч йил ўтгачина ўз ҳаражатини қоплайди.

●Японияликлар нималарни ўйлаб топишди дейсиз. Япониянинг марказий қисмидаги на-лишда яқин йиллардан бошлаб 2 қаватли йэ-чи поездлар пайдо бўлади. Шарқий Японте-мир йўл корпорацияси маъмурияти ана шундай қарорга келди. Чунки бу Токиони атрофдагу-манлар билан боғлашдаги транспорт муамси-ни бирозгина бўлса ҳам ҳал этади.

●Норвегия шимолидаги Арктика бўшлиқда «Ваггетем» деб номланувчи кичкина қишқча бор. Ана шу қишлоқча дунёда ўзининг энг ник мактаби билан машҳурдир. Чунки бу мактаб-ҳаллий айиқ овловчиларнинг атиги уч нафар ар-зандлари ўқишади. Бу қишлоқда бор-йўғи та киши яшайди, улар бир-бирлари билан жудам иноқ.

●Таиландлик талабалар энг кичкина мотоқл ясашга мувоффақ бўлишди. Мотоциклнинг ў-нлиги 43 сантиметр, баландлиги 18 сантиметрле-кин эжабланарли жойи шундаки, у соатига 1 қи-лометр тезликда юриши билан бирга, 130 по-граммгача бўлган юкни кўтар олади. Канакут мойи ёки спирт унинг асосий ёнилгиси ҳиспа-нади.

●Одатда мушуклар 10-12 йил умр кўради. Боқ Австралиянинг Атика шаҳрида яшовчи 67 ли Бароннинг мушуги узоқ яшашда дунёда рёрд қўйган. Бу Том лақабли мушук 40 йилдан ён Бароннинг хонадонда яшайди. Уни барча ила аъзолари яхши кўришади. Барон 27 ёшидо-қиб олган Том ўтган давр мобайнида бирор-та ҳам касалланмаган.

●Гаваяликларнинг полинезия шеваси дуда энг осон тил эканлигини тилшунослар таъқпа-моқдалар. Чунки унда атиги 6 та ундощ ва та унли ҳарф бор. Бундан таъқбар, биронта ҳаға-лаффузи қийин сўзлар учрамайди. Аммо бул-ни ўрганиш кўп ҳам осон эмас. Чунки 11 та туш имлосидан жаҳон тиллари конструкциясиги сўзларни тузишининг ўзи бўлмайди.

●Япон физиологларининг тажрибалариданъ-лум бўлишича, шовкин таъсирида одам танеда помин деган дармондори кескин қамайиб гар ва шунинг учун одам шовкинда ўзини ёмоқсиз қилар экан. Мутахассислар сершовкин жойдш-ловчиларга сабзи, тухум, сут истезьмол қилни тавсия этишмоқда. Бу сарфланиб кетган дарн-дори ўрнини қоплар эмши.

●Италиянинг Понца оролида сув остида теф-фуссиз туриш бўйича мутлак рекорд ўрнатди. Италиялик гаввослар—37ёшли Стефано Барби-зи ва 29 ёшли Стефаниа Менса ўн кун мобайда 8 метр чуқурликда бўлдилар. Тарихда бирчи бўлиб шундай уриниш муваффақиятли ниҳонга етказилди. Ўтказилган ушбу тажриба органи-нинг узоқ ўзқиқиш ва сув босимида бўлган ак-циясини ўргани имконини беради.

●Англиялик Билл Смит ичхам машина ерб қилишга муваффақ бўлди. Бу «Пақ мастер»ёб номланган машинада турли рўзгор чикиндиини пресслас, ҳатто шиша идишларни ҳам й-далаш мумкин. Муҳими, у электр қувватидаш-лайди. Катталиги эса музлатгичдек келади.

●Жеймс Гензевск Швейцариянинг Цюрих й-ридаги IBM лабораториясида ниҳоятда кичикй-роскопик калькулятор ясади. У 60 та углеродо-мидан ташкил топган. Агарда ҳар бир атомн-дай футбол тўпига тенглаштирилганда эди, да калькулятор Эйфель минораси билан бағар бўларди.

●Дунёда энг катта япроқ Амазонка дарёсо-ҳиларида ўсадиган рафия пальмасиники эн. Унинг худди чодир каби кенг япрогининг узун-ги 22 метр, эни 12 метрга тенг. Банди эса 5 тр келади. Бундай биргина япроқ остида 12 ли ёмғир ёки жазирамадан қочиб паноҳ топиши м-кин.

Улугбек ПЎЛТАТОВ

«АЛЬ-БАЯН»:

«ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САРМОЯВИЙ ИҚЛИМ ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР УЧУН ЭНГ ҚУЛАЙ МУҲИТДИР»

**АРАБ ТИЛИДА НАШР ЭТИЛАДИГАН «АЛЬ-БАЯН» ГАЗЕТАСИНING АЛЬ-АЙНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ РАҲБАРИ АМАР АЛЬ-САНЖАРИЙ ЖОРИЙ ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ ИЖОДИЙ САФАРДА БЎЛГАН ЭДИ.**

Ушбу сафар натижаси ўлароқ, араб журналистнинг бугунги Ўзбекистон ва унинг тарихи ҳақида хикоя қилувчи туркум мақолалари Бирлашган Араб Амироликларининг етакчи оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Яқинда Аль-Санжарийнинг навбатдаги мақоласи — «Табиий заҳиралар ва ишлаб чиқариш қуввати Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамламоқда» сарлавҳаси билан «Аль-Баян» газетасида бўлиб чиқди. Унда Ўзбекистон Республикасининг табиий бойликлари, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, шунингдек, сўнгги пайтларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган хорижий сармояларни жалб этиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш ва кафо-

латлашга йўналтирилган қатор муҳим қонуний ҳужжатлар тўғрисида сўз бо-ради.

Муаллиф, жумладан, «Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган Ўзбекистон улкан ишлаб чиқариш қуввати-га, бой минерал-хом ашё заҳиралари ҳамда шитоб билан ривожланиб бораётган саноатга эга» эканлигини қайд этади.

Аль-Санжарий газетхонларга Ўзбекистонда 100 дан зиёд турдаги минераллар топилиши ва уларнинг катта қисми миллий саноатда кенг қўлланилаётгани тўғрисида хабар берар экан, «табиий бойликларнинг (олтин, уран, табиий газ, мис, туз, фосфат ва бошқалар) тасдиқланган заҳиралари бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди», деб ёзади.

Араб журналисти Ўзбекистоннинг замонавий нефт-газ саноати мавзусига тўхталиб, у миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири, республиканинг муҳим энергетик базаси экан-

лиги хусусидаги фикрларини ўқувчилар эътиборига ҳавола этади. Шу ўринда Ўзбекистон ҳудудига 194 та углеводород хом-ашёси қони топилиши, уларнинг 98 таси газ ва газ конденсати, шунингдек, 96 таси нефт ва газ қонлари экани алоҳида таъкидланган. Муаллиф бугунги кунда республиканинг нефт ресурслари 1 триллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда баҳоланган, «Ўзнефтегаз» миллий холдинг компанияси Марказий Осиё минтақасидаги етакчи нефт-газ компанияси ҳисобланадиган табиий газ қазиб олиш бўйича дунёда саккизинчи, ёқилги-мойлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича эса МДХ давлатлари ўртасида бешинчи ўринни эгаллаши қаламга олинган.

«Аль-Баян» газетаси мухбирининг фикр билдиришича, «Ўзбекистон ҳукумати хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай сармоявий муҳитни яратиш юзасидан муваффақиятли иш олиб бормоқда, устувор сармоявий

лойиҳалар бўйича шериклик ва ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Республикада сармоявий фаолиятга доир, жумладан, хориж капиталини жалб этишга кўмаклашадиган, хорижий сармояларни кафолатлаш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида қонуний ҳужжатлар қабул қилинган». Шу ўринда Аль-Санжарий «Ўзнефтегаз» компанияси дунёнинг қатор йирик компаниялари, масалан, Россиянинг «Газпром» ва «Лукойл», Хитойдаги «Си-Эй-Би-Си», Малайзиянинг «Петронас» компаниялари билан стратегик шериклик тўғрисида битимлар имзолаганини қайд этади.

Араб журналистнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон энергетика тизими Марказий Осиё минтақасидаги энг намунали тизимлардан биридир. Республикадаги 42 электр станциясида ишлаб чиқарилаётган электр энергияси 12,3 миллион киловаттдан ошади, бу эса бутун Марказий Осиёда ишлаб чиқариладиган энергиянинг қарийб 50 фоизини ташкил этади».

Муаллиф мақола интихосида ўз хулосасини баён этар экан, «бугунги кунда Ўзбекистондаги сармоявий иқлим хорижий сармоядорлар учун энг қулай муҳит» эканини таъкидлайди.

«Жаҳон» АА

Иқтисодиёт

ЯНГИ МОДЕЛДАГИ ПОЙАБЗАЛЛАР

**ҲАР БИР ИШДА ИЗЛАНИШ ЎЗ САМАРАСINI БЕРАДИ. ШУ ЖУМЛАДАН МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҲАМ. УНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИ, БОЗОРБОП, ХАРИДОРТИР ХИЛЛАРИ ИЗЛАНИШЛАР БОИС ЯРАТИЛАДИ.**

Пойтахтимизда фаолият бошлаганига уч йил бўлган «Excel lent lost» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонасида ҳам модельер-конструкторларнинг маҳоратлари, бозорни ўрганишлари натижасида жаҳон андозалари даражасидаги эркаклар пойабзаллари ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилда эса корхонада замонавий технологиялар асосида аёлларнинг киши оёқ кийимлари тайёрланади.

Бугунги кунгача тадбиркорлар хориж каталогларидан ижодий фойдаланган ҳолда пойабзалларнинг 50 дан ортиқ моделларини яратишди. Сифатли хом ашёдан тайёрланаётган мавсумлоп пойабзаллар кўриниши ва сифати билан импорт ўрнини боса олади. Жорий йилда эса яна 10 турдаги янги модели маҳсулотлар ишлаб чиқаришга жорий этилиши кўзда тутилган.

Келгусида Хитой давлатидан янада замонавий дастгоҳлар келтиришни режалашган пойабзалчилар айни кунларда 2008-2009 йиллар учун оёқ кийимларнинг моделлари устида ишлашмоқда. Жаҳон андозаларига мос ушбу пойабзаллар, албатта ўз харидорини топади. Яна шуни ҳам айтиш жоизки, корхонада меҳнат қилаётган 28 ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар маҳсулот сифатида акс этмоқда. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, кўшимча ишчи ўринлари яратиш учун саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

ПИШЛОҚ ТАЙЁРЛАШ РЕЖАЛАНМОҚДА

**ХАРИДОР ДИД ВА ЭҲТИЁЖИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ЯНГИЛАБ БОРИШ, СIFАТИНИ ОШИРИШ БУГУНГИ БОЗОР ТАЛАБИ. БУНИ ҲИС ЭТГАН ҲОЛДА МЕҲНАТ ҚИЛИШ, АЛБАТТА, КОРХОНА РИВОЖИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.**

Ўз маҳсулотлари билан ички бозорда харидорини топаётган «Элотия» масъулияти чеклаган жамиятида бир кеча-кундузда 3 тоннага яқин дудланган ва ярим дудланган, қайнатиб пиширилган ҳамда бошқа турдаги колбаса ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

—Асосий мақсадимиз республикамиз аҳолиси дастурхонига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўлиб,—дейди директор Зийнатилла Раҳматуллаев,—бунинг учун маҳаллий хом ашё—сифатли гўшдан фойдаланамиз ҳамда бу борада Россиянинг замонавий дастгоҳлари бизга қўл келмоқда. Фаолиятимизни 5-6 хил колбаса маҳсулотлари тайёрлаш билан бошлаган бўлсак, бугунги кунга келиб уларнинг турлари 35 тага етди. Қадокланишига ва сифатига эътибор билан ёндашамиз. Шунингдек, айни пайтда қандолат маҳсулотлари тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик. Турли кўринишдаги мармеладларимиз аҳоли дастурхонини безамоқда. Келгусида қандолатларимиз турини 50 хилгача етказамиз ҳамда пишлоқ ишлаб чиқариш цехини ҳам ишга туширмоқчимиз.

Шарофат БАҲРОМОВА

Транспорт

ТОШКЕНТ — СЕУЛ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

**КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ПОЙТАХТИ СЕУЛДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН ШАҲАРЛАР ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ.**

Халқаро метрополис комиссияси аъзолари учрашуви доирасида уюштирилган бу нуфузли тадбирда «Жамоат транспортини режалаштириш», «Транспорт сифати ва атроф-муҳит» деган мавзуларда семинарлар ҳам ташкил этилди.

Тошкент жамоат транспорти тизими вакиллари билан иборат делегация ҳам анжуманда фаол иштирок этди. Сеул шаҳри мэрининг лутфан тақлифи билан Корёга борган «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси вакиллари ҳам ушбу тадбирдан яхши таассурот олдилар.

—Сеул шаҳрида аҳолига кўрсатилаётган намунали транспорт хизмати жараянлари билан ҳам яқиндан танишдик,—дейди уюшма бошқаруви раиси ўринбосари Зайниддин Абборов.— Шаҳар метрополитени фаолияти ҳам эътиборга сазовордир. 8 та йўналишга эга бўлган метрода 265 та бекат ишлаб турибди. 296,9 километрлик узунликда қатнаётган ер ости поездлари кунига 6,0-6,5 миллион йўловчи узоғини яқин қилмоқда. Метрода реклама хизматидан ҳам фойдаланилмоқда.

Анжуманда турли шаҳарларда йўлларни молиялаш ҳамда жамоат транспорт инфратузилмаси масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Шунга ўхшаш бой тажрибаларни Тошкент жамоат транспортига татбиқ этиш кўзда тутилди.

Ақбар АЛИЕВ

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ ХАЛҚАРО САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ ГАРОВИ

**ХАЛҚАРО САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ МУТТАСИЛ РИВОЖЛАНИШИДА МИЛЛИЙ ВАЛЮТА ВА УНИНГ АЙИРБОШЛАШ КУРСИ БАРҚАРОР БЎЛИБ ТУРИШINI ТАЪМИНЛАШ БАРЧА МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИДА УСТУВОР МАСАЛАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛанаДИ. МИЛЛИЙ ВАЛЮТАНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ВА УНИНГ КУРСИ ТЕБРАНИШИ БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИ, МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТИ ВА ШУ ЎРИНДА ТАШҚИ САВДО АЛОҚАЛАРИГА СЕЗИЛАРЛИ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси валюта бозорининг эркинлашуви ва Халқаро Валюта Фонди Келишувининг VIII моддасида қабул қилинган барча мажбуриятларнинг бажарилиши, айирбошлаш курсларининг бирлашиши ва жорий халқаро операцияларда сўмнинг эркин алмашувининг жорий қилиниши мамлакат халқаро савдо алоқалари ва инвестиция муҳитига ижобий таъсир кўрсатади. Юқоридаги саъй-ҳаракатлар натижасида савдо шерикларимиз ва инвесторлар ишончи билан мамлакатимизга хорижий капиталнинг кириб келиш шартлари энгиллашди, бу эса ўз навбатида экспортнинг ошишига ва импортнинг камайишига ўз таъсирини кўрсатади, энг муҳими, миллий валюта-

миз — сўмнинг барқарорлигини янада мустаҳкамлади.

Дунёнинг асосий валюталари курслари ўзгаришларига Марказий банкнинг ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлари ва мос равишда сўмнинг самарали курси тебранишларини пасайтиришнинг амалга оширилиши, АҚШ долларига нисбатан миллий валютанинг сўм курсининг меъёрий девальвациялаши ташқи қарзларни қисқартиришга, мамлакат ичкарисидан валюта бозорини тартибга солиш ва пул айланмасини барқарорлаштиришга ижобий таъсир кўрсатишмоқда. Буни биз иқтисодиётимизда охириги 3-4 йил ичида рўй берган ижобий ўзгаришларда кўришимиз мумкин.

Жумладан, 2005 йил ташқи савдо соҳасида экспортнинг импортга нисбатан барқарор ўсиши билан тавсифланади. Ташқи савдо ривожланишидаги 2004 йилда бошланган ижобий тенденциялар 2005 йилда янада мустаҳкамланди. Ташқи савдо айланмаси 9 фоиз га ўсди ва 9,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бунда, ташқи савдо айланмаси умумий ҳажмининг 56,9 фоизини экспорт операциялари ва 43,1 фоизини импорт операциялари ташкил қилди. Шуниси характерлики, таҳлил қилинган давр мобайнида экспортнинг ўсиш суръати импортнинг ўсиш суръатидан сезиларли даражада юқори бўлди. Бу эса, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш нукта-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси янги, замонавий машина ва ускуналарнинг олиб кирилиши ҳамда 2001-2005 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бу тенденция пировард натижада товарлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига олиб келади. Бу эса,

ўз навбатида, миллий валютанинг барқарорлигига нисбатан ижобий таъсирни юзага келтирди. 2006 йилда импортнинг экспорт билан қопланиш коэффициенти 1,45 ни ташкил этди. Натижада, савдо балансининг ижобий сальдоси 2004 йил билан таққослаганда 956,9 миллион АҚШ долларига ортиб, жами 1993,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. 2006 йилда товар айирбошлашининг ижобий сальдосининг 1,2 миллиард доллар хорижий давлатлар билан савдо алоқалари ҳисобига олинди. МДХ давлатлари билан товар айирбошлашининг ижобий сальдоси 714,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди ва бу курсатки мамлакатимизнинг ҳамдустлик давлатлари билан савдо алоқалари кучаяётганлигидан далолат беради.

Халқаро Валюта Фонди мутахассислари томонидан ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган ўзгаришларга ижобий баҳо берилди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки билан биргаликда тайёрланган прессрелизда 2007 йилнинг биринчи чорағида Ўзбекистон юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришганлиги таъкидлаб ўтилди, жумладан ЯИМнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 фоизга ошгани ва республиканинг валюта захираларининг янада кўпайгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бунинг натижасида 2007 йилнинг биринчи чорағида миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлиги янада мустаҳкамланди, ташқи савдо айланмаси 15,6 фоизга ошди, экспортнинг ҳажми 21,1 фоизга, импортники эса 7,9 фоизга ошди. Мамлакатимиз савдо балансининг ижобий сальдоси 2006 йилнинг биринчи чорағига нисбатан 1,5 баробар ошди.

Рустам ҚОСИМОВ

**МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЖАМИЯТЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲАМДА МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН НАШР ҚИЛИНГАН «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ. ИСТЕЪМОЛЧИНОГИРОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ» НОМЛИ НАШРНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазири, Ногиронлар, Кўзи оғирлар, Карлар, Қизил Ёрим Ой жамиятлари ва бир қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар ногиронларнинг ижтимоий шароитга мослашуви, уларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш, имконияти чекланган шахсларнинг жамият ривожланиши ва ҳаётда фаол иштирокини янада кенгайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасидаги долзарб масалалардан эканлигини таъкидлашди.

—Бу наشري мамлакатимиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимиздаги ўрнини белгилашда қилинаётган амалий ишларнинг давоми дейиш мумкин, — дейди Кўзи оғирлар жамияти раиси ўринбосари Б.Абдужабборов.— Ушбу наshr истеъмолчиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўғри англаши, ундан тўлақонли фойдаланиши учун асосий қўлланма ҳисобланади. Мустақиллик йилларида амалга оширилган давлат дастурлари доирасида ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ногиронликнинг олдини олиш, имконияти чекланган шахсларни табиий ва ижтимоий реабилитация қилишга, уларнинг таълим олиш, касб танлаш ва иш билан таъминлашга оид бир қатор амалий ишларнинг бажарилишига таҳсинга сазовордир. Мазкур нашрнинг савол-жавоб тарзида чоп этилганлиги омма орасига кириб боришида, тушуנוвчиликлар юзага келмаслигига имкон яратади ҳамда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Лавҳа

ЎЗИ ГҲЛ, БАРДОШИ МЕТИН

Баҳор ёмғири очилиб турган гуллар баргидаги чангларни ювар, гуллар эса чиройи яна ҳам очилганидан табиятдан миннатдор бўлгандек силкиниб қўйишади. Мана шу мазнарани деразадан кузатиб турган Муҳаббат опанинг кўзлари гулларда бўлгани билан қалб қулоғи радиодан шоир ўқийётган куйидаги мисраларда эди:

**Ўзи гул, бардоши—метин аёллар,  
Куш тинса, тинмаган—бетин аёллар.  
Бошларига бало ёғилганда ҳам,  
Эрлардек собиту бутун аёллар!**

Ҳа, шоир Муҳаббат опага нотаниш бўлса ҳам гўё у билан суҳбатлашиб, ўз шеърини битгандай туюларди, кўзларидан ёш худди гулбарглarga тушаётган томчилардек қулча юзига юмаларди. Унинг кўзи олдида яқин умри—қийинчиликларга нисбатан сабр-тоқати, бардоши гавдаланарди...

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган аёл ўттиз йилдан бери ўқитувчилик касбини улуғлаб келатган оддий ўзбек аёли—Муҳаббат опа Асрорқуллова бўладилар.

Маънавият

ИСТИҚБОЛИМИЗ АСОСИ

**КИТОБЛАР. УЛАР ҲАР БИР КИШИ ҲАЁТИДА ЖУДА МУҲИМ РОЛЬ ЎйнаШИ МУМКИН. ФАҚАТ ИНСОН КИТОБЛАРИНИ ЎЗИГА ДЎСТ БИЛСА БЎЛГАНИ.**

Менинг онам болалар шоираси ва улар ўзларини бола бўлишларига ёшлиқларида берилиб ўқиган китоблари сабабчи деб ҳисоблайдилар. Бувимнинг дугоналари ўз қизларининг болалар кутубхонасини онамларга совға қилибдилар. Ана шу китоблар оналарнинг болалар адабиётига кириб келишларига бир кўприк бўлиб хизмат қилган.

Укамнинг зарарли одатлардан нафратланишига ва спортни, яъни футболни чинакам севиб қолишига ҳам «Пеле—футбол қироли» номли китоб сабабчи

бўлди. У футбол тўғраига га қатнашар, аммо китобларга қизиқиши йўқ эди. Қўлига ўша китоб тушди-ю, ўзгарди—қолди. Энди у ўз устида ишлайдиган, кўпроқ машқ қиладиган бўлди. Аввал тамаки чекиб турган болалар ёнида баъзан бефарқ турса, энди уларнинг ёнига яқинлашмай ҳам қўйди.

У шунчалик футбол ҳақида ўқишга қизиқиб кетдики, «Пеле, Гарринча, футбол» китоби, «Футбол экспресс», «Интер футбол», «Ўзбекистон футбол» ҳафталик газеталарини мунтазам ўқий бошлади. Кутубхонага аъзо бўлди, шу файли эса дунё давлатлари, уларнинг жойлашуви ва пойтахтларининг номи-ни ҳам билиб олди. Энг қувонарлиси эса унинг мунтазам газета-журналлар ва китоблар ўқишга иштиёқи кўникамага айланди.

Менинг Корёя ҳаёти

Муҳаббат опа учун айниқса, бугунги тонг ўзгача бошланди. У охинонада қўймаланиб нонушгани тайёрлаш билан банд бўлаётганида телефон жинглик қолди. Опа шоша-пиша келиб, гўшакни кўтарди. Мусика мактаб-лицейида ўқийётган ўғли Отабекнинг тантанали кечасига азиз мевхон сифатида таклиф қилинганини эшитиб, опанинг қувончи ичига сиймай қолди. Иш жойига бориб, хизматни аъло қайфиятда тугатиб, Успенский номидаги махсус мусика мактабига бир даста аъзойи гуллар билан йўл олди. Тантанали кечада—шу фараҳбахш ва файзиёб кунда опанинг хаёлидан илгариги қийинчиликлар тарихи ўта бошлади. Икки гўдаги билан турмуш ўртоғидан барвақт ажралиб қолган ёш она меҳнат фаолиятини оғир, серташвиш кунларда бошидан ўтказди. Яшаш жойига яқин бўлган—Сергеи туманидаги 277-ўрта мактабда рус тили ва адабиётидан дарс берар, шу билан бирга махсус суяк касалликларни мактаб-интернатдаги кечки тарбиячиликни ҳам ўз зиммасига олганди. Нима бўлса ҳам опанинг нияти катта эди.—Шухратнинг машҳур футболчи бўли-


балки бир қулоғиндан кириб иккинчисидан чиқиб кетадиган маслаҳатни шундай етказиб берадиларки, ногаҳон ўйлашиб қоласан. Чунки китобни ёлғиз ўқийсан. Ундан хулосаларни ҳам мустақил чиқарасан. Ва келиб чиққан хулосаларга амал қилишинг зарурлигини ҳам ўзинг тушунасан. Ўзингга ўзинг нима қилиш ҳақида сўз берасан ва бу сўзга амал қиласан. Бу эса китобнинг энг ноёб хусусиятидир.

Мана, ҳозир ёзги таътилни айнан қизгин дамлари. Болажонлар сўлим гўшаларда ёки уйларида мириқиб хордиқ чикармоқдалар. Мен тенгдошларим, ука ва сингилларимга қарата «Таътилни ҳар бир кундан умумий фойдаланайлик. Бўш вақтимизда қизиқ-қизик китобларни ўқиб, онгу шууримиз, билимимизни оширайлик. Эеро, китоб бизларга орзу қилишни ҳам ўргатади. Орзулар эса бизни истикболнинг ёрқин уфқлари сари етаклайди», демоқчиман.

Паризод СУЮНОВА



Хушманзара гўшаларда саёхат қилиб, дам олинг.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

Бир қаноат юз табақ ошдин азиз.

Ўзлигин билганга ман қурбон ўзим.

Еб битирдинг шу жаҳонни бешу кам, Таъмагирсен энди ул дунёданам.

Бир июнатча эмас юз ижтиҳод, Чунки жаҳд ёнида тургай юз фасод.

Юзта кулф ургаи эшикка гайратинг, Биттаси очгай, ўмаргай давлатинг.

Яхшидир тоатдин олим уйқуси.

Илму фан—денгиз, кўринмас унга ҳад, Толиби илм унда гаввосдир абад.

Жумла оламга тилар эрдик сабр, Чунки сабр этмак—чароғу шуъладир.

Келди навбат бизга—ул сўздин тониб, Худди хотинлардек олдик бурканиб.

Тангри ҳам хос бандасига ҳар сафар, Сирли оламнинг шаробидин тутар.

Сен аёлни ҳеч қачон камситмагил.

Ишқ туфайли қанча султон, қанча шох, Бўлдилар чун мулку давлатдин жудо.

Дема, ишқ хушнудлар айлаб, кулдирар, Истаса, хушнудлик ичра ўлдирар.

Майлига, бошимни кессинлар маним, Шам каби бўлгай зиёда равшаним.

Сен калитсиз ҳам эшик очгум дема, Кибр ила мақсадга ёндошгум дема.

Кочдинг ул отанг жафосидин магар, Бўлди хамроҳинг, адабсиз, шўру шар.

Ҳар синиқликдин кейин давлат келур, Очилур ул бахту иқболингга йўл.

Ишқ туғилган онда сабр ўлди ҳамон.

Кутма мерос молидин меҳру вафо, Чунки ул бир кимсадин бўлмиш жудо.

Билмагай ворисда молнинг қадрини, Чунки захмат чекмаин топмиш ани.

Тўтию булбулга боққим, хуш саси, Шул сабабдин ҳам қафасга тушгуси.

Ўғрию хунхораларга раҳм ул— Ожизу бечораларга зулм эзур.

Сув ичиб, тинчиди ташна, ўйлагил, Тўғри сўзни тингласа, яйрайди дил.

Суду савдо кимники—билганники.

Оч қолиб е—арпа нонинг тотлидир.

Босмагай чанқовни шўр сув, эй ўғил, Гарчи ичган чоғда хушдир сенга ул.

Майли, нодон мен ва лекин бахтиёр, Қайси оқилнинг бу янглиг бахти бор?

Сен мени бахтсиз дема, эй аржуманд, Сенга бахтсиз, лек ўзимга бахтлиман.

Мен залолатга шитоб этдим, бироқ, Матлабимдин ҳар нафас кетдим йироқ.

...хатар ичра омонликдир ниҳон.

Хавф аро кўрдинг омонлик, муҳтарам, Кўр умидлар ичра ул кўркувини ҳам.


Неча ишлар борки олам ичра чун, Оғу дурлар, лек асалдир, ангубин.

...дунё—кераксиз бир матоҳ.

Гар чироқда бўлмаса мою пилик, Нур таратмас ул, қаро шамдир сўник.

Эргаш ОЧИЛОВ

тайёрлаган



Ёз — ўтмоқда оз!

Спорт янгиликлари

ҲАМИОРТАРИМИЗ БЕЛГИЯДА СОВРИНДОР

БЕЛГИЯНИНГ ОСТЕНД ШАҲРИДА ТРАМПОЛИН БЎЙИЧА ЖАҲОН КУБОГИ МУСОБАҚАСИНИНГ БЕШИНЧИ БОСҚИЧ ҲАҚИДА...

Трамполиннинг батутда синхрон сакраш тури бўйича беллашуларда катнашган ўзбекистонлик Екатерина Хилько ва Анна Савкина жўфтлиги учинчи натижани қайд этиб, бронза медал билан тақдирланди.

Мохир спортчиларимиз — Е.Хилько ва А.Савкина жаҳон кубогининг София (Болгария) шаҳрида ўтказилган тўртинчи босқичда ҳам синхрон сакраш бўйича учинчи ўринни эгаллашганди.

Шунингдек, Белгияда ўтказилган жаҳон кубоги мусобақаси давомида ўсимирлар ўртасида халқаро турнир ҳам ташкил этилди. Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган ёш спортчимиз Владимир Елисеєв иккинчи натижани қайд этиб, кумуш медалга сазовор бўлди.

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСЧИЛАРИМИЗ РЕЙТИНГИ

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ НУФУЗЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ — ЖАҲОН БОКС ТАШКИЛОТИ (WBO) ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДАВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Мазкур рўйхатга ҳамотларимиздан Қаҳрамон Орзиқулов ва Қувончбек Тойгонбоев киритилди.

52 килограммгача бўлган вазн тоифасида рингга чиқётган Қаҳрамон Орзиқулов Жаҳон бокс ташкилоти рейтингидида бешинчи ўринда қайд этилган. 27 ёшли

андижонлик чарм кўлқоп устаси Халқаро бокс уюшмасининг (IBA) жаҳон чемпиони ва Жаҳон бокс ташкилотининг (WBO) «Inter-Continental» китъаларо чемпионлик камарлари соҳиби ҳисобланади.

Профессионал бокс бўйича 69,8 килограмм вазн тоифасида рингга чиқётган Қувончбек Тойгонбоев эса Жаҳон бокс ташкилоти рейтингининг олтинчи погонасидан жой олган.

Профессионал боксчилик фаолиятини 1997 йили бошлаган андижонлик боксчи ўтган йилнинг 3 декабрь куни чилилик боксчи Хозель Себастьян Майого қарши ўтказилган учрашувда галаба қозониб, WBO йўналиши бўйича «Asia Pacific» чемпионлик камарини қўлга киритган эди.

Шундан буён Қувончбек Тойгонбоев мазкур чемпионлик камарини давьогар боксчилар — россиялик Ахмад Олигов ва танзаниялик Хассан Матулладан муваффақиятли ҳимоя қилиб, муҳим рейтинг оқоларини қўлга киритди.

Жаҳон бокс уюшмасининг (WBA) ўта оғир вазни чемпиони ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг исми-шарифи ҳам Жаҳон бокс ташкилоти рейтингидан жой олиши мумкин. Чунки яқинда россиялик Султон Ибрагимов WBO йўналишининг энг нуфузли олтин камарини қўлга киритди ва жорий йилнинг 13 октябрь куни Руслан Чагаев билан жанг ўтказадиган бўлди.

Айни пайтда кўплаб муҳим мутахассислар кутайтган жанг соҳирини Жаҳон бокс ташкилот ва Жаҳон бокс уюшмаси олтин камарлари қўйилган. Яъни, икки чемпион ўртасида бўладиган учрашув голиби икки йўналиш бўйича чемпионлик камари соҳибига айланади.

БАЛЛИ, АЗАМАТ! ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ҲАМИОРТАРИМИЗ

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ҲАМИОРТАРИМИЗ

УТҚАЗИЛГАН «TUR DE KOREA» КЎПКУНЛИК ВЕЛОПОЙГАЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН ҲАМИОРТАРИМИЗ

Мурсасиз беллашув

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ОЛДИДАН СЕУЛ ШАҲРИДА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ — ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ҲАҚИДА

Ироқликлар билан уюштирилган аввалги ўртоқлик учрашувидида 2:0 ҳисобидида галаба қозонган Рауф Инилеев шогирдлари Жанубий корейлик чарм тўп усталарига қарши муносиб тўп суришти. Мурсасиз курашлар остида кенган баҳс 2:1 ҳисобидида мезбонлар галабаси билан яқунланди. Терма жамоамиздан ягона голни Сервер Жепаров дарвозага йўллади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р—2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Table with 3 columns: №, Таълим муассасаси номи, Манзили. It lists four educational institutions and their locations in Tashkent.

Хурматли ишбилармон ва тadbиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очiq аукцион савдоларига тақлиф этади.

Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очiq аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

- 1. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилири томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судининг 2006 йил 8 сентябрдаги 1773/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Марказ-5 манзилидаги «Шаҳнозаҳон» ХФга қарашли жарима майдончасидида сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, Қозғоғистон Республикаси давлат рақами Х027LVM бўлган, «Mercedes Benz 230» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 000 000 сўм.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г-606

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 2875 нусxada босилади. Қозғоғ бичими А-2.

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига еки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва сақлаланди. «Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6